

**Қашқадарё вилоятига киритилаётган
хорижий инвестициялар орқали ишлаб чиқаришни
ривожлантириш**

Эргашев Р.Х., Шохўжаева З.С., Хўжакулова Н. (ҚарМIIИ)

Мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг, жумладан хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатнинг ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниш хусусиятларига боғлиқдир. Демак, давлатимиз тинч ва осойишта ҳаёт тарзини бошидан кечиран экан, киритилаётган хорижий давлатларнинг сармоялари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, экспорт салоҳиятини оширишга ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга олиб келади. Шу жумладан, Қашқадарё вилоятининг барча соҳаларига киритилаётган хорижий инвестицияларнинг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўшимча иш ўринларини яратиш Дастурига асосан 2008 йилда 66та лойиҳани амалга ошириширилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу лойиҳалар:

- 104304 минг АҚШ долларлик 27та лойиҳа тоғ-кон ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати;
- 28058 минг АҚШ долларлик 7та лойиҳа енгил саноати;
- 12121 минг АҚШ долларлик 11та лойиҳа озиқ-овқат саноати;
- 4025 минг АҚШ долларлик 9та лойиҳа қишлоқ хўжалиги саноати;
- 50687 минг АҚШ долларлик 5та лойиҳа нефть ва кимё саноати;
- 4978 минг АҚШ долларлик 6та лойиҳа хизмат кўрсатиш;
- 350 минг АҚШ долларлик 1та лойиҳа мебель ишлаб чиқариш соҳаларида амалга оширилиши кўзда тутилган эди.

2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятга 42027.9 минг АҚШ долларли миқдорида инвестиция киритилган бўлиб, бу режага нисбатан 20,5% ни ташкил этади. Киритилган

инвестицияларнинг 249,3 минг АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 41112,3 минг АҚШ доллари хорижий кредит ва 666,3 минг АҚШ доллари эса ўз маблағлари ҳисобига киритилгандир. Киритилган инвестициялар нефт ва газ қазиб олиш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди.

Ҳозирги кунда 63 та лойиҳа бўйича 161,0 млн.АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг 142,7 млн.АҚШ доллари тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига, 10,2 млн.АҚШ доллари хорижий кредитлар эвазига, 5,4 млн.АҚШ доллари маҳаллий кредитлар эвазига ҳамда 2,7 млн.АҚШ доллари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги мутахассислари томонидан 96 млн. АҚШ долларлик 11 та лойиҳа танланиб, уларга инвесторларни жалб этиш бўйича вазирликка қарашли “Ўзинфоинвест” компанияси сайитига жойлаштириш ишлари маъқулланди. Бугунги кунда ушбу лойиҳаларга инвесторларни жалб этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Вилоятда Техник иқтисодий асосларни (ТЭО) ишлаб чиқа оладиган Тошкент шаҳридаги “Lider Consalt Servis” консалтинг компаниясининг филиали очилди ва ҳудудий дастурга киритилган тадбиркорларнинг 10дан зиёд лойиҳаларининг ТИАлари ишлаб чиқилмоқда.

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида хорижий инвесторлар билан 9та музокара ўтказилди ва бунда қуйидаги лойиҳалар ва қўшма корхоналар тузиш мақсад қилиб олинди.

-Россиянинг “ТрансЭнергоЛогистик” МЧЖ вакиллари билан вилоятда мева-сабзавотларни кадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича қиймати 300 минг АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳаси;

-Украинанинг НПФ “Пластмодерн” фирмаси билан Италиянинг “Bielloni” фирмасида ишлаб чиқарилган нархи 820 минг Евро турадиган ускунасини тўғридан-тўғри инвестиция қилиш ҳисобига қалинлиги 10-25 мкмгача бўлган “Стреч” плёнкасини ҳамда иссиқхоналар учун 12-150 мкмгача бўлган полиэтилан плёнкалар

ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш;

-Россиянинг “Global insulator group” компаниясининг вакиллари билан учрашиб, вилоятнинг Яккабоғ туманида мавжуд бўлган фарфор тошлари қонидаги хом-ашёдан энергетика учун изоляторлар ишлаб чиқариш бўйича таркибий қиймати 12,0 млн АҚШ долларлик лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилди.

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида киритилган инвестициялар миқдори вилоят бўйича 83866,8 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бунда яратилган янги иш ўринларининг сони 5142 тадан иборатдир. Режага нисбатан 66та лойиҳа бўйича 204522 минг АҚШ доллари ўрнига киритилган инвестицияларнинг салмоғи 41 фоизни ташкил этади. Демак, вилоят бўйича киритилаётган инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда улкандир. Чунки вилоятимизда қўшма корхоналарнинг сони кўпайиши – бу ишлаб чиқариш омилларининг ривожланишига ва янги иш ўринларининг кўпайишига олиб келади.